

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШБАЕВ ШЕРЗОДБЕК АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ФАОЛ МЕТАН ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР  
АССОЦИАЦИЯСИ АСОСИДА БИОГАЗ ОЛИШ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ташбаев Шерзодбек Абдурасулович**

Фаол метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар ассоциацияси асосида  
биогаз олиш..... 3

**Ташбаев Шерзодбек Абдурасулович**

Получение биогаза на основе активной метанообразующей ассоциации  
микроорганизмов..... 23

**Tashbaev Sherzodbek Abdurasulovich**

Obtaining biogas based on an active methano-forming association of  
microorganisms..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. В.38.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАШБАЕВ ШЕРЗОДБЕК АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ФАОЛ МЕТАН ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР  
АССОЦИАЦИЯСИ АСОСИДА БИОГАЗ ОЛИШ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В42 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Алимова Барно Хасановна</b> биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хўжамшукуров Нортожи Абдуҳалиқович</b> биология фанлари доктори, профессор
	<b>Расулов Бахтиёр Абдуғофурович</b> биология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.38.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «25» февраль куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7<sup>6</sup>-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7<sup>6</sup>-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Арипов Тахир Фатихович**  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Роҳила Назаровна**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Гулямова Ташхан Гафуровна**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё иқтисодиётини, хусусан қишлоқ хўжалигини, жадал ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бу энергияга бўлган талабни қондиришдир. Бу муаммони ижобий ҳал этиш қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларини олиш билан боғлиқ бўлган технологияларни ривожлантиришга асосланган. Муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, атмосферадаги карбонат ангидрид газининг тўпланиш даражасини барқарорлаштиради ҳамда унинг ортиб кетиш хавфини олдини олади. Шу сабабли, дунёда оммалашиб бораётган қайта тикланувчи юқори самарадор энергия манбаларидан амалиётда кенг фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида ноанъанавий энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва бой табиий потенциалдан самарали фойдаланиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қайта тикланувчи органик субстратларга чорвачилик ва паррандачилик фермалари чиқиндилари, ўсимликлар қолдиқлари, озиқ-овқат ва енгил саноат чиқиндилари, маиший чиқиндиларининг ресурслари асосида биогаз олиш учун бошланғич хом-ашё захирасидан фойдаланиш, ҳамда биогаз ҳосил қилувчи метаноген бирлашма (ассоциация) органик моддаларнинг парчалаш жараёнини амалга оширувчи анаэроб ва факультатив-анаэроб микроорганизмларининг турли гуруҳлари фаолиятини аниқлаш, барқарор фаолият кўрсатувчи балансланган метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини олиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, чорвачилик ва паррандачилик фермалари чиқиндиларини қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун янги биотехнологиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда энергетика тармоғи асосан углеводород хом-ашёларидан ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек қайта тикланувчи хом-ашёлардан (чиқиндилардан) оқилона фойдаланиш, биогаз ва органик ўғит (ОЎ) олишнинг самарадорлигини ошириш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан чорвачилик ва паррандачилик фермалари гўнгларида балансланган фаол метаноген ассоциация асосида биогаз олиш ва ундан ҳосил бўлган ОЎ (шламм) таркибидаги патоген микроорганизмларни зарарсизлантириб фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Биогаз ишлаб чиқариш технологиялари борасида дунё илмий адабиётларида кўплаб маълумотлар тўпланган. Кўпгина тадқиқотчилар биомассаларни анаэроб парчалашда гидролизловчи, ацидоген метаногенларнинг аҳамияти (Burak Demirel, 2008), биогаз ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва унинг истикболлари (P. Weiland ва бошқ., 2010), биогаз ишлаб чиқариш учун қорамол гўнгини анаэроб шароитларда бижғитиш (В.Н. Giploid ва бошқ., 2010), мезофил шароитларда қаттиқ органик чиқиндиларни анаэроб шароитларда юқори даражада парчалаш (Dong–Hoon Kim ва бошқ., 2011), чўчка гўнгидан анаэроб шароитларда рН ни нейтрал назорат қилиш орқали биогаз ҳосил бўлишида микроорганизмлар ассоциациясининг аҳамияти (Jun Zhou., ва бошқ., 2016 ), қорамол гўнгидан биогаз олишнинг самарадорлиги (Lili Dong., ва бошқ., 2019), микроорганизмлар ассоциацияси ёрдамида биогаз ишлаб чиқариш ва бойитиш (Basma Omar., ва бошқ., 2019), каби тадқиқотларни киритиш мумкин.

Республика олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан, саноат оқава сувларини тозалаш иншоотларини органик чиқиндиларидан Куканова С.И., Ташпулатов Ж.Ж. (2012-2014 йй.), Давранов Қ.Д. ( 2015 й.), ва чўл ҳудудида учрайдиган айрим галофит ўсимлик биомассаларидан биогаз олиш бўйича Алиқулов Б.С (2018 й.), уларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш соҳаларига тадбиқ этишда самарали илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, юқорида келтирилган тадқиқот ишларида метаноген микроорганизмлар ассоциациясини олиш ва уларни чорвачилик ва паррандачилик фермалари чиқиндиларидан барқарор биогаз олишда қўллаш борасида илмий изланишлар олиб борилмаган.

Шу сабабли Республикамизда илмий асосланган чиқиндисиз технологиялар асосида экологияга зарар келтирмайдиган қайта тикланувчи энергия манбасини (биогаз) ишлаб чиқариш илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий - тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф3-Т130 «Альтернатив энергия манбаларини (биогаз ва биодизель) микробиологик ҳосил бўлишининг регуляцияланиш механизмларини ўрганиш» (2008-2011 йй.); ФА-А6-Т214 «Табиий қайта тикланувчи ресурслар асосида биоёқилги олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.); ФА-А6-Т113 «Метаноген ферментацияни қўллаб парранда гўнги асосида органик ўғит олиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** биогазли ферментация жараёнини амалга ошириш учун фаол мезофил (БМММА) ва термофил (БТММА) балансланган метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини олиш, биогазли ферментацияни жадаллаштириш ва улар асосида чорвачилик, паррандачилик фермалари чиқиндиларини қайта ишлашни янги самарали биотехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

табиий манбалардан мезофил ва термофил метаноген микроорганизмларнинг фаол ассоциацияларини ажратиб олиш ҳамда уларнинг тангланган субстратлардан биогаз ҳосил бўлишига таъсирини аниқлаш;

ажратиб олинган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциацияларидан фойдаланиб қорамол ва товуқ гўнгида биогаз ҳосил бўлиши шароитларини оптималлаштириш;

қорамол ва товуқ гўнгини биогазли ферментация динамикасида асосий гуруҳ микроорганизмлар миқдорини ўзгариб боришини таҳлил қилиш;

метаноген микроорганизмлар ассоциациялари таркибидаги айрим метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг таксономик ўрнини молекуляр-генетик усулда аниқлаш;

мезофил шароитда биогазли ферментациянинг чиқиндиси бўлган шламни патоген бактериялардан зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқиш;

биогазли ферментация чиқиндиси (шлами) асосида органик ўғит тайёрлаш ва буғдой ўсимлигининг ривожланишига таъсирини лаборатория шароитида баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида балансланган маҳаллий мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциациялари (БМММА ва БТММА), қорамол гўнги (ҚГ), товуқ гўнги (ТГ), тамаки кукуни (ТК), *Lactobacillus plantarum* K04.84 штамми, органик ўғит (ОЎ) ва буғдой ўсимлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биогаз ҳосил қилувчи маҳаллий мезофил ва термофил метаноген ассоциацияларини ажратиб олиш, биогазли ферментацияда қатнашувчи микроорганизмларни физиологик гуруҳларини аниқлаш ҚГ, ТГ ва ТК дан биогаз ҳосил қилишини ва ОЎ ни буғдой

ўсимлиги ривожланишига таъсирини аниқлаш ҳамда амалий синовлардан ўтказишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажариш жараёнида микробиологик, биотехнологик, молекуляр-генетик, спектрофотометрик ва биометрик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

қорамол гўнгини босқичма-босқич биогазли ферментацияси асосида маҳаллий балансланган мезофил ва термофил метаноген фаол микроорганизмлар ассоциациялари ажратиб олинган ва маҳаллий балансланган метаноген мезофил ва термофил микроорганизмлар ассоциациялари қорамол гўнгидан 63,8% ва товуқ гўнгидан 69,7% метан ҳосил қилиши аниқланган;

илк бор маҳаллий метаноген термофил микроорганизмлар ассоциацияси таркибидаги метан ҳосил қилувчи бактериялар вакиллари молекуляр-генетик усулда аниқланди ва улар *Methanosarcina*, *Methanoculleus*, *Methanocorpusculum* ва *Methanospirillum* авлодларига мансуб 9 турга мансуб эканлиги асосланган;

илк бор маҳаллий *Lactobacillus plantarum* K04.84 штаммини товуқ гўнги таркибидаги патоген *Salmonella* авлоди бактерияларига қарши антагонистик хусусияти биогазли ферментация жараёнида аниқланган;

товуқ гўнги асосида биогазли ферментация қилиб олинган ОЎни 0,5 т/га ва NPK-30% миқдорида қўлланилганда буғдойни ривожланишига давомли таъсир қилиши аниқланган. Тажриба вариантыда буғдой ризосферасидаги спора ҳосил қилувчи аммонификацияловчи бактерияларнинг ҳужайраси вегетатив шаклида учраши ҳамда уларнинг 2-3% спора ҳолида бўлиши, назорат вариантыда эса уларнинг 37-40% спора эканлигига асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ажратиб олинган маҳаллий балансланган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциациялари қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан биогаз олишда муҳим аҳамиятга эгалиги очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** барча тажрибалар уч такрорий нисбатда олиб борилиб, қийматларнинг ўртачаси ва стандарт хатолик (SE) Microsoft Excel (Microsoft корпорацияси, АҚШ) дастурида ҳисобланган. Олинган натижаларнинг  $P < 0,05$  да назорат қийматидан ишончли фарқ қилиши ANOVA дастури дастури ёрдамида таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти босқичма-босқич танлаш асосида олинган БМММА ва БТММА қорамол гўнгини биогазли ферментация қилишда 63,8% гача метан ҳосил қилиши, товуқ гўнгидан 69,7% гача метан олиш имконини берган. Танлаб олинган *Lactobacillus plantarum* K04.84 штаммини товуқ гўнги таркибидаги патоген бактерияларга қарши биотехнологик зарарсизлантириш усули ишлаб чиқилган. Олинган натижалар қишлоқ хўжалиги ва органик

чиқиндиларнинг микробиологик қайта ишлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг ривожига катта ҳисса қўшиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ажратиб олинган БМММА ва БТММА Республикамиздаги чорвачилик, паррандачилик фермалари гўнглари ва органик чиқиндиларни биогазли ферментациясини тезлаштирувчи ва самарадорлигини оширувчи бошланғич инокулят сифатида фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Босқичма-босқич танлаш йўли билан олинган балансланган метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қорамол гўнгини босқичма-босқич бижғитиш усули орқали олинган балансланган метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар ассоциацияси асосида биогаз олиш биотехнологияси Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Улуғбеклар” хусусий фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 02/12-533-сон маълумотномаси). Натижада қорамол гўнгини бижғитишда 60-63% метан гази ҳосил қилиши имконини берган.

қорамолчилик фермаларида гўнгдан биогаз олиш биотехнологияси Тошкент вилояти Паркент тумани “Бахт” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 02/12-533-сон маълумотномаси). Натижада балансланган метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар ассоциацияси биогазли ферментация жараёнини кескин тезлаштириб, биогаз таркибидаги метан миқдори назоратга нисбатан 3-4 марта ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жами 16 та, жумладан, 5 халқаро ва 11 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биогаз ҳосил бўлишида иштирок этувчи микроорганизмлар, физик-кимёвий омилларнинг биогаз ҳосил бўлишига таъсири, метаногенез жараёнида органик чиқиндилардан биогаз ҳосил бўлиши ва унинг таркиби ҳамда микроорганизмлар культураларини сақлаш тўғрисида адабиёт манбаларининг шарҳи**» деб номланган биринчи бобда келтирилган адабиётлар асосида биогаз ҳосил бўлишида иштирок этувчи микроорганизмлар ҳамда биогаз ҳосил бўлишига физик-кимёвий омиллар, органик чиқиндиларда биогаз ҳосил бўлиши ва унинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Балансланган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини ўстириш шароитларини оптималлаштириш ва аналитик таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобда БМММА ва БТММАлар таркибидаги микроорганизмлар учун оптимал озуқа муҳитлари ва ўстириш шароитларини танлаш усуллари кўрсатиб ўтилган. БМММА иштирокида қорамол, товук гўнги ва тамаки кукунидан фойдаланиб биогазли ферментация динамикасида оксил, рН, титрланувчи умумий органик кислоталар, ацетат, умумий азот ва биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$ ,  $\text{CO}_2$  ва  $\text{N}_2$  миқдорларини аниқлаш усуллари баён этилган.

Диссертациянинг «**Балансланган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини олиш**» деб номланган учинчи бобда қорамол гўнгини босқичма-босқич биогазли ферментация қилиш натижасида БМММА ва БТММА ажратиб олинган. Тадқиқотларимизда балансланган метаноген микроорганизмлар ассоциацияларини олишнинг биринчи босқичида 4 л (намлиги 90%) қорамол гўнги (ҚГ) суспензиясига қушхонадан олиб келинган қорамол ошқозонида тўла ҳазм бўлмаган 3 л озуқа билан аралаштирилди ва биогазли ферментация  $35^\circ\text{C}$  ҳароратда 10 л анаэроб ферментёрда олиб борилди. Тажрибанинг биринчи босқичида қорамол гўнгини биогазли ферментация натижасида умумий биогаз ҳажми  $26 \text{ дм}^3$  ташкил қилиб, метаннинг энг юқори миқдори 37% бўлиши аниқланган. Тажрибанинг иккинчи босқичида 7л ҚГга биринчи босқичдаги микроорганизмлар ассоциациясидан 20% инокулят қўшиб олиб борилди. Барча органик субстратларнинг бижғишининг асосий маҳсулоти ацетат ҳисобланади ва у метан ҳосил қилувчи бактериялар учун субстрат бўлиб ҳисобланади. Бижғиётган муҳитда метан ҳосил қилувчи бактериялар кўпайтириш мақсадида 1 г/л ҳисобида натрий ацетат қўшилган. Иккинчи босқичда биогазли ферментация давомидаги метаннинг миқдорлари энг фаол 3 та нуқталарда, яъни 7; 13 ва 18 кунларда  $\text{CH}_4$  миқдорлари мос равишда 42, 55,2% ва 53% етиши аниқланган ва умумий биогаз ҳажми  $54 \text{ дм}^3$  ташкил қилган. Учинчи босқичга иккинчи босқичдан 20% инокулят қўшилганда  $\text{CH}_4$ нинг 4 та юқори нуқталари аниқланган бўлиб, биогазли ферментациянинг 7, 14, 22 ва 31 кунларига тўғри келган ва  $\text{CH}_4$ нинг миқдорлари мос равишда

51,1; 55,2, 53% ва 58% етганлиги аниқланган. Тажрибада умумий биогаз миқдори 65,7 дм<sup>3</sup> ташкил қилган. Маълумки ҚГни бижғиш жараёнида рН қиймати муҳим аҳамиятга эга. Учинчи босқичда олинган метаноген микроорганизмлар ассоциацияси ишқорий шароитларда қай даражада метан ҳосил қилиш имкониятини аниқлаш мақсадида тўртинчи босқичда рН қиймати 8,5 бўлган ҚГдан фойдаланилган. Тўртинчи босқичга учинчи босқичдан олинган метаноген микроорганизмлар ассоциациясидан 20% инокулят қўшилганда ферментациянинг 12 ва 18 кунларида СН<sub>4</sub>нинг энг юқори миқдорларга етганлиги аниқланган бўлиб, мос равишда 60,7 ва 63,8% ташкил қилган (1-расм). Олиб борилган тадқиқотларнинг тажриба варианты натижалари шуни кўрсатдики, ҚГни биогазли ферментацияси динамикасида СО<sub>2</sub> ҳосил бўлишининг 4 та энг юқори нуқталари қайд этилган. Улар ферментациянинг 6, 15, 27 ва 34 кунларига тўғри келиши кузатилган ва уларнинг миқдорлари мос равишда 48,2, 43,3, 54% ва 47,1% эканлиги аниқланган. Эътиборли жиҳати шундаки, биогазли ферментация динамикасида биогаз таркибидаги СО<sub>2</sub> миқдорининг камайиши билан СН<sub>4</sub> миқдорини ошиб бориши аниқланган.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлардан қуйидагилар аниқланган. Тажрибанинг назорат вариантыда ҚГни биогазли ферментация натижасида биогаз таркибида СН<sub>4</sub>нинг энг юқори миқдори 37,7% дан ошмаганлиги аниқланган. ҚГга 20% БМММА инокуляти қўшилган тажриба вариантыда назорат вариантдан фарқли равишда биогаз таркибида СН<sub>4</sub>нинг миқдори 1,7 ва 1,8 марта ортиқ бўлиб энг юқори миқдорларга (60,7 ва 63,8%) етиши аниқланган. Тажрибанинг 4 босқичдаги биогаз ҳосил бўлиши фаоллиги ва биогаз таркибида метаннинг миқдори юқори бўлганлиги, учинчи босқичда балансланган мезофил метаноген микроорганизмлар ассоциацияси (БМММА) шаклланганлигини кўрсатди. Шунинг учун БМММАни тадқиқотларимизда бошқа субстратлардан метан газига бойиган биогаз олиш учун бошланғич инокулят сифатида қўллашни кейинги тадқиқотларимизга асос қилиб олинган.

Метан ҳосил қилувчи бактериялар бижғитувчи бактерияларга нисбатан секин ривожланганлиги сабабли биогаз ҳосил бўлишидан аввал муҳитда учувчан ёғ кислоталар йиғилади. Шу сабабли ҚГни биогазли ферментацияси динамикасида титрланувчи умумий органик кислоталар ва ацетат миқдорлари ҳамда рН кўрсаткичи аниқланган. ҚГни биогазли




1-расм. ҚГ га 20% метаноген микроорганизмлар ассоциацияси инокуляти қўшилганда биогаз таркибидаги СН<sub>4</sub> ва СО<sub>2</sub> ни биогазли ферментация динамикасида ўзгариши.

ферментациясининг 6, 12 ва 21 кунларида ацетат ҳосил бўлишининг юқори нукталари қайд этилган ва уларнинг миқдорлари мос равишда 3,32, 4,94 ва 7,98 мг/мл ни ташкил қилган. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҚГни бижғиш жараёнида ацетатнинг кам миқдори биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  миқдорининг юқори бўлиши билан (63,8%) ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланган. ҚГни бошланғич рН қиймати кучсиз ишқорий муҳитдан 8,5 ферментациянинг 6 кунда нейтрал 7,0 кўрсаткичга келиши ва ферментациянинг охирига қадар унинг кўрсаткичи 7,2-7,6 оралиғида бўлиб, кескин даражада ўзгармаганлиги яъни балансланганлиги аниқланган. Биогазли ферментация даврида умумий титрланувчи органик кислоталарнинг юқори миқдори дастлабки 6 кун давомида кузатилиб унинг миқдори 18,8 мг/мл га етганлиги аниқланган ва шу вақтдан бошлаб биогаз таркибида метан миқдори ошиб бориб, ферментациянинг 18 кунда энг юқори миқдорга (63,8%) етганлиги аниқланган. Ферментациянинг кейинги кунларида титрланувчи умумий органик кислоталар миқдори сезиларли даражада ўзгармаган.

ҚГни мезофил шароитда биогазли ферментацияси динамикасида спора ҳосил қилувчи ва спора ҳосил қилмайдиган целлюлоза парчаловчи, метан ҳосил қилувчи, анаэроб аммонификаторлар, шу билан бирга *Enterobacteriaceae* оиласига мансуб *Escherichia coli*, *Salmonella* авлоди ва *Staphylococcus*, *Pseudomonas* авлодлари бактерияларининг умумий миқдорлари аниқланган. Целлюлоза парчаловчи бактериялар сонининг энг юқори миқдори бижғишнинг 21 кунларига тўғри келиб,  $0,75 \times 10^6$  хуж/мл ни ташкил қилиши аниқланган. Ферментация жараёнида метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг миқдори 15 ва 21 кунлар оралиғида юқори  $7,5 \times 10^3$  хуж/мл бўлганлиги ва бу метан ҳосил бўлишининг ҳам энг юқори кўрсаткичига мос келганлиги аниқланган.

Анаэроб аммонификатор бактерияларнинг миқдори ферментациянинг 18 кунидан кейин камайиб бориши аниқланган. *Enterobacteriaceae* оиласига мансуб бактерияларнинг умумий хужайра титри тажрибанинг 21 кунидан кейин камайганлиги кузатилган. Бу даврга келиб патоген *Salmonella* авлоди вакиллариининг хужайра титри ҳам камайиши аниқланган. Таъкидлаш жоизки, ҚГни мезофил шароитда 20-21 кундан ортиқ биогазли ферментация қилиш *Salmonella* авлоди вакиллариини камайишига олиб келиши ва биогаз чиқиндисини бўлган органик субстратни ОЎ сифатида ишлатиш мумкинлиги аниқланган. Маълумки, мезофил шароитда ҚГ ва ТГни биогазли ферментацияси жараёнида барқарор биогаз олиш мақсадида биогаз қурилмасига ҳар 2-3 кунда янги 10-15% миқдорда ҚГ ва ТГ суспензияси қўшилади ва ундан шунча миқдорда органик субстрат чиқариб олинади ҳамда олинган субстрат ОЎ сифатида қўлланилади. Лекин бундай ўғит *Salmonella* авлоди бактериялари билан ифлосланганлиги боис атроф-муҳит ва тупроқда иккиламчи контаминацияни вужудга келтиради.

Шу сабабли уларнинг титрини органик субстрат таркибида камайтириш учун ЎзР ФА Микробиология институти “Пробиотиклар микробиологияси ва биотехнологияси” лабораториясида мавжуд бўлган *Lactobacillus plantarum* штамлари орасидан *Salmonella* авлоди бактерияларига қарши юқори антагонистик фаолликка эга бўлган бактериялар скрининги ўтказилди. Натижада, антагонистик энг фаол *L.plantarum* K04.84 штамми танлаб олинган ва 37°C ҳароратда 24 соат ўстирилгандан сўнг *Salmonella sp.* бактериясини ингибирлаши, 30 мм диаметрда ўсишига йўл қўймаганлиги ва юқори антагонистик фаолликни намоён қилганлиги аниқланган (2 расм).



2-расм. *Salmonella sp.* бактерияси ўсиши ва ривожланишига *L.plantarum* K04.84 штаммининг антагонистик фаоллиги

Кейинги тадқиқотларимизда *L.plantarum* K04.84 штаммининг антагонистик фаоллигини биогазли ферментация жараёнида текшириш учун ТГ суспензиясига *L.plantarum* K04.84 штамми суспензиясини турли хил нисбатларда бирга қўшиб 37°C да 3 кун давомида ферментация қилинди.

1-жадвал.

*Lactobacillus plantarum* K04.84 штаммини *Salmonella sp.* авлоди бактериясини биогазли ферментация жараёнида ўсиши ва ривожланишига антагонистик хусусияти

<i>Lactobacillus plantarum</i> K04.84 ( $1 \times 10^9$ КХБ/мл) штамми КС нинг товуқ гўнги билан нисбати	<i>Salmonella sp.</i> бактерияси хужайралари сони, КХБ/мл			<i>Lactobacillus plantarum</i> K04.84 штаммининг хужайра титри, КХБ/мл (3 кундан сўнг)
	Бошланғич	1 кундан сўнг	3 кундан сўнг	
1 мл / 200 мл (1:200)	$6,0 \times 10^6$	$5,0 \times 10^6$	$3,0 \times 10^2$	$1,0 \times 10^3$
2 мл / 200 мл (1:100)	$6,0 \times 10^6$	$4,0 \times 10^3$	$2,0 \times 10^2$	$1,0 \times 10^4$
3 мл / 200 мл (1:66)	$6,0 \times 10^6$	$5,0 \times 10^3$	0	$1,0 \times 10^6$
5 мл / 200 мл (1:40)	$6,0 \times 10^6$	$4,0 \times 10^3$	0	
10 мл / 200 мл (1:20)	$6,0 \times 10^6$	$4,0 \times 10^2$	0	
15 мл / 200 мл (1:13)	$6,0 \times 10^6$	$3,0 \times 10^2$	0	


Натижада, 1-жадвалда кўрсатилганидек *L. plantarum* K04.84 штамми ТГ суспензиясига 1/100 ҳажм нисбатда қўлланилган вариантда 1 кундан сўнг *Salmonella sp.* бактерияси титрини  $6,0 \times 10^6$  дан  $4,0 \times 10^3$  га, 3 кундан сўнг  $2,0 \times 10^2$  гача камайтириши аниқланган.

Ўтказилган тажрибамизда *L. plantarum* K04.84 штаммининг хужайра титри биогазли ферментациянинг 3 кундан сўнг 1:200 нисбатда қўлланилган вариантда  $1,0 \times 10^3$  КХБ/мл ни, 1:100 нисбатда  $1,0 \times 10^4$  КХБ/мл ни, 1:66, 1:40, 1:20, 1:13 нисбатларда  $1,0 \times 10^6$  КХБ/мл га етганлиги аниқланган.

Тажрибаларимизда *L. plantarum* K04.84 штамми суспензиясини ТГ суспензиясига 1:66 ҳажм нисбатда ва ундан кам бўлмаган нисбатларда қўллаб, 3 кун давомида ферментация қилиш *Salmonella sp.* бактериясини тўлиқ нобуд бўлишига олиб келиши аниқланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида органик чиқиндиларни *Salmonella sp* бактериясидан зарарсизлантиришнинг биотехнологик усули ишлаб чиқилган.

Органик чиқиндиларни анаэроб ферментация қилишни таҳлил қилиб ўрганишлар натижасида техникавий, экологик ва иқтисодий самарадор усул бу термофил шароитларда биогаз олиш ҳисобланади. Термофил шароитларда юқори самарали микроорганизмлар билан биргаликда биогазли ферментация даврини мезофил шароитларга нисбатан 5-7 кунгача қисқартиришга имкон беради бу эса биогаз қурилмаларини ҳажмини 5-6 баробар кичиклашишига ва унга кетадиган қурилиш ашёларини сарфини камайишига олиб келади. Шунинг учун кейинги тадқиқотларимизда тажрибалар термофил (55°C) шароитларда амалга оширилган.

Термофил шароитда (55°C) ТГ га 10% ва 20% БТММА инокуляти қўшилган ҳамда қўшилмаган назорат вариантларда биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  нинг ҳосил бўлиши ферментациянинг биринчи кунидан бошланганлиги аниқланган (3-расм А, Б ва В). Аммо, биринчи кундаги тажриба ва назорат вариантларидаги  $\text{CH}_4$ нинг миқдорлари таққосланганда, тажриба вариантларида 2,9 марта юқори эканлиги аниқланган. Шунингдек, ТГни табиий микроорганизмлар ассоциацияси билан биогазли бижғитиш жараёнида биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$ нинг энг юқори миқдори ферментациянинг 29 кунига тўғри келиб 54,8% ни ташкил қилган (3-расм, А). Лекин, ТГга 10% ва 20% БТММА инокуляти қўшилган тажриба вариантларида  $\text{CH}_4$  нинг миқдорлари ферментациянинг тўртинчи кунда мос равишда 54,1% ва 55,5% га етиши аниқланган (3-расм, Б ва В). Таъкидлаш жоизки, ТГга 10% ва 20% БТММА инокуляти қўшилган тажриба вариантларида биогаз таркибида  $\text{CH}_4$  нинг максимал ҳосил бўлиши ферментациянинг 10 ва 20 кунларида кузатилган ва унинг миқдорлари мос равишда 64,7% ва 69,7% ни ташкил қилган. Шунингдек, ТГга 10% БТММА инокуляти қўшилган Б вариантда, назорат вариантдан фарқли равишда, биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  нинг иккита юқори нуқталари аниқланган бўлиб, улар ферментацияси динамикасининг 4 ва 20 кунлари қайд этилиб, мос равишда 54,1% ва 69,7% га етиши аниқланган (3- расм Б). ТГга 20% БТММА инокуляти қўшилган В вариантда биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  ҳосил бўлишининг учта юқори нуқталари аниқланган бўлиб, улар ферментациянинг 4, 10 ва 29 кунларига тўғри келган ва унинг миқдори мос равишда 55,5, 64,7% ва 58,7% га етганлиги аниқланган (3-расм В). ТГни биогазли ферментациясининг дастлабки кунларида, назорат ва тажриба вариантларида ҳам  $\text{CO}_2$  ва  $\text{N}_2$  миқдорларини юқори бўлиши қайд этилган. Шу билан бирга ферментация жараёнида, назорат ва тажриба вариантларида ҳам биогазнинг фаол ҳосил бўлиш вақти билан метаннинг максимал ҳосил бўлиши вақтига мос келмаган.




3–расм. Термофил шароитда ТГ ни биогазли ферментацияси динамикасида CH<sub>4</sub>, CO<sub>2</sub> ва N<sub>2</sub> микдорларининг ўзгариши: А – ТГ табиий микрофлораси (назорат), Б – ТГ га 10% БТММА инокуляти қўшилган (тажриба) ва В – ТГ га 20% БТММА инокуляти қўшилган (тажриба).

Термофил шароитда ҳам ТГни биогазли бижғитиш жараёнида CO<sub>2</sub> миқдорининг пасайиши ва метан ҳосил бўлишининг ортиши ўртасида муайян корреляция борлиги аниқланган. Шунингдек, ТГни бижғитиш жараёнига БТММАнинг 10% ва 20% инокуляти қўшилган вариантларда ферментациянинг 10 ва 20 кунларида биогаз таркибидаги азот ўзлаштирилиши юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, у метаннинг максимал ҳосил бўлиши билан биргаликда содир бўлиши аниқланган (3-расм, Б ва В). Шундай қилиб, термофил шароитда ТГга БТММА ни инокулят сифатида қўлланилиши биогаз таркибида юқори миқдорда CH<sub>4</sub> ҳосил бўлишини таъминлаши аниқланган. Термофил шароитда ТГни биогазли ферментациясидан олдин, икки кундан сўнг ва якуний босқичларида метан ҳосил қилувчи, анаэроб целлюлоза парчаловчи, анаэроб азотфиксаторлар, денитрификацияловчи ва аммонификацияловчи бактериялар шу билан бирга, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* ва *Enterobacteriaceae* оиласининг *Shigella* ва *Salmonella* авлодига мансуб бактерияларнинг хужайра титри аниқланган. Тадқиқот натижаларига кўра, ТГда асосан *Enterobacteriaceae* оиласига мансуб бактериялар доминантлик қилиб, уларнинг хужайра титри  $6,0 \times 10^6$  хуж/мл ни ташкил қилган. *Enterobacteriaceae*

оиласига мансуб бактериялар ичида миқдори бўйича доминантлик *Escherichia coli* бактерия турига тўғри келиб, унинг хужайра титри  $4,6 \times 10^7$  КХБ/мл ни ташкил қилган. ТГда *Shigella* ва *Salmonella* авлодига мансуб бактериялар миқдори мос равишда  $1,8 \times 10^5$  ва  $5,0 \times 10^4$  КХБ/мл ни ташкил қилган. ТГни ферментациясидан олдин ва кейин *Pseudomonas aeruginosa* ва *Staphylococcus aureus* миқдорлари ҳам аниқланган бўлиб, ферментациядан олдин уларнинг миқдори мос равишда  $2,0 \times 10^4$  ва  $2,0 \times 10^3$  КХБ/мл ни ташкил қилган. Тадқиқотлар натижасида биогазли ферментациянинг 2-кунидан сўнг, БТММАнинг 10% инокуляти қўшилган тажриба вариантыда метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг миқдори назоратга нисбатан 20 баробарга кўпайиб,  $5,0 \times 10^4$  хуж/мл ни ташкил қилганлиги аниқланган. Целлюлоза парчаловчи ва анаэроб азотфиксатор бактерияларнинг титри назоратга нисбатан 2 ва 1,19 баробарга кўп бўлиб,  $5,0 \times 10^6$  хуж/мл ва  $2,5 \times 10^4$  ни ташкил қилган. Термофил шароитларда ТГ таркибидаги *Enterobacteriaceae* оиласининг *Shigella* ва *Salmonella* авлодига мансуб патоген бактериялар гельминтлар биогазли ферментациясининг 2-кунидан сўнг тўлиқ нобуд бўлиши аниқланган. Демак, термофил шароитда ТГ асосида олинган ОЎ кишлоқ хўжалиги экинларига ишлатиладиган ўғитларга қўйиладиган Давлат стандартларининг микробиологик қисмига қўйиладиган талабларига тўлиқ жавоб беради.

Кейинги тадқиқотларда БТММА таркибидаги метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг аниқлаш учун уларнинг умумий ДНКси ажратиб олинган ва метан ҳосил қилувчи бактериялар учун махсус дизайн қилинган Arch F2, Arch R1386 ҳамда Метил-коэнзим М-редуктаза (MCR) ферменти генини амплификация қилувчи ME1, ME2 ва MLf, MLg праймерлари ва универсал 16S rRNA праймерлари асосида ПЗР ўтказилган. Олинган ПЗР маҳсулотлари клонловчи векторига трансформация қилинди ва TOP10 *E.coli* компитент хужайраларига ўтказилди. ПЗР маҳсулотларини тутган 15 та клон ажратиб олинган. Клонлар махсус праймерлар билан секвенсланган ва секвенс натижалари NCBI маълумотлар базасида Blast гомологик таққосланган ҳамда юқори гомологияга эга бўлган бактериялар турлари аниқланган. Олинган натижалар асосида уларнинг филогенетик шажараси Fig Tree дастурида тузилган.

Тадқиқот натижаларга кўра термофил шароитда ўсаётган метан ҳосил қилувчи бактериялар *Methanosarcina thermophilus*, *Methanosarcina thermophila*, *Methanosarcina kolkse*, *Methanoculleus bourgensis*, *Methanosarcina horonobensis*, *Methanosprillum hungate*, *Methanosarcina barkeri*, *Methanosarcina flavescens*, *Methanocorpusculum parvum* турларига 99-100% ўхшашлиги ва 9 та турдан иборат эканлиги аниқланган (4-расм). Тадқиқот ишлари Геномика ва Биоинформатика институти билан ҳамкорликда амалга оширилган.




4-расм. Метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг филогенетик шажараси

Диссертациянинг “**БМММА сақлаш усуллари**ни ўрганиш ва ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида олинган ассоциация таркибидаги турли физиологик гуруҳ микроорганизмларни биргаликда сақлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича натижалар келтирилган. Натижада, БМММА биогазли ферментация жараёнини амалга ошириши ва метан ҳосил қилиши хусусиятини сақлаб қолишининг энг яхши усули таркибида 0,5 г фосфорит уни ҳамда желатина+сахароза қўшилган химоя муҳитларидан фойдаланиш эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Буғдой ўсимлигига биогазли ферментация асосида олинган органик ўғитнинг таъсирини ўрганиш ва БМММА ва БТММА фойдаланиб биогаз олишни бошқариш параметрлари**” деб номланган бешинчи бобида ТГ асосида олинган ОЎни лаборатория шароитида (40 кун) турли меъёрларда буғдой ўсимлигига қўллаш ва метаноген микроорганизмлар ассоциациясидан фойдаланиб биогаз олишни бошқариш параметрларини ўрганишга бағишланган. Ўтказилган лаборатория тажрибаларида ТГ асосида олинган ОЎни ва минерал ўғитларни буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири таққослаб ўрганилган. Олинган маълумотларга кўра мазкур ўғит кам меъёрларда (0,2 ва 0,5 т/га ОЎ + NPK 30%) буғдой поясининг ўсиши ва илдиз тизимининг ривожланишига давомли стимулловчи таъсир кўрсатган (5-расм). Аниқланишича, тупроқга 20 т/га ҳисобида ҚГ (назорат) солинганда буғдой поя ва илдизларининг узунлиги

тажрибанинг 0,2 т/га ОЎ + NPK 30% ва 0,5 т/га ОЎ + NPK 30% вариантларига нисбатан кам бўлган.




5-расм. Буғдойнинг поя ва илдизи ривожланишига турли микдордаги органик ўғит ва минерал ўғитлар комбинациясининг таъсири

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларда ТГ асосида олинган ОЎни 0,5 т/га + 30% NPK билан биргаликда қўллаш натижасида буғдой ўсимлигини ўсиши ва ривожланишига давомли таъсир қилиши аниқланган. Кам микдорда қўлланилган органико-минерал ўғитнинг буғдой ўсимлигини ўсиш ва ривожланишига давомли таъсирини кузатилиши, буғдой ўсимлиги ризосферасидаги спора ҳосил қилувчи аммонификацияловчи бактерияларнинг асосий қисми органико-минерал ўғит таъсирида вегетатив хужайра шаклида эканлиги ва уларнинг 2-3% спора ҳолида эканлиги ҳамда ОЎсиз назорат вариантыда эса буғдой ризосферасидаги спора ҳосил қилувчи аммонификацияловчи бактерияларнинг хужайраси 37-40% спора ҳолида сақланиши аниқланган. Тажрибаларга кўра, ТГни БТММА нинг 10% ва 20% инокулятидан фойдаланиб термофил бижғитишдан сўнг олинган ОЎда гумин кислоталарнинг микдори, назорат варианты билан солиштирилганда, 1,3 ва 1,6 баробарга ортиқ бўлган, яъни 18,9% дан 23,6% гача; ауксин 1,3 ва 1,4 баробарга, яъни 105 дан 115 мкг/г гача ; гиббереллин 1,2-1,5 баробарга, яъни 350-430 мкг/г бўлиши аниқланган. ОЎ таркибидаги фульвокислоталар микдорини назорат варианты билан солиштирилганда, фарқи катта бўлмади ва кул таркибидаги органико-минерал моддаларнинг умумий микдорига нисбатан 24,1% ва 24,5% ташкил қилган.

ҚГ ва ТГларини биогазли ферментация қилиш юзасидан олиб борилган лаборатория ва амалий тадқиқотлар асосида биогаз олишнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилган (6-расм) ва Тошкент вилояти Паркент тумани Қизилтоғ қишлоғида “Бахт” фермер хўжалигида 13 м<sup>3</sup> ҳажмли вертикал биогаз қурилмасида амалий синовдан ўтказилган.

Биореактордаги биогаз ҳосил бўлишини жадаллаштириш ва биогаз таркибида метан миқдорини ошириш мақсадида БМММАдан бошланғич инокулят сифатида фойдаланилган. Бунинг учун лиофил қурилган 5 гр БМММА препарати ҚГ суспензияси асосида тайёрланган озуқа муҳитига экилади ва 35°C ҳароратда 14 кун давомида босқичма-босқич 2,5, 10 ва 75 л ҳажмли анаэроустатларда биогазли ферментация қилиб кўпайтириб олинган (6-расм, 1-6). Кўпайтириб олинган БМММА суспензиясидан биореакторга юкланадиган субстрат умумий ҳажмига нисбатан 10% миқдорда инокулят сифатида олиниб биореакторда метан ҳосил бўлишини жадаллаштириш учун инокулят сифатида фойдаланилган.



6- расм. **Биогаз олишнинг принципал технологик схемаси.** 1 – БМММА нинг лиофил курук препарати (5 г); 2 – БМММАни 2,5 л анаэроустатда ўстириш; 3- 4 – БМММАни 10 л ҳажмли анаэроустатларда кўпайтириш; 5-6 – БМММАни 75 л ҳажмли анаэроустатларда биогазли ферментация қилиш; 7 – Биогазли ферментация учун гўнгли бўтқа тайёрлаш учун ховуз; 8 – тайёр бўлган гўнгли бўтқани биореакторга узатувчи насос; 9 – биогаз қурилмаси (13 м<sup>3</sup>); 10 – газгольдер; 11- биореакторни иситиш қурилмаси; 12 – сепаратор; 13 – *L. plantarum* K04.84 штамми билан гўнгни патоген бактериялардан зарарсизлантириш идиши; 14 – суюқ ўғитни йиғиш ховузи; 15 – қаттиқ фракцияли ўғитни йиғиш жойи.

Бунинг учун тайёрлаб олинган БМММА инокуляти насос ёрдамида биореакторнинг пастки қисмига юкланган ва дарҳол бир кун аввал тайёрланган 90% намликка эга бўлган ҚГ суспензияси ҳам насос ёрдамида биореактор ичидаги БМММАнинг устки қисмига юкланган ва барқарор биогаз олиш таъминланган (6-расм, 7-9).

Мезофил шароитда субстратнинг биореакторда биогазли ферментация қилиш вақти 30 кун бўлиши мумкин, лекин жараёни тезлаштириш ва тўхтовсиз биогаз олиш учун ҳар 2-3 кунда биореакторга 10% миқдорда янги

органик субстрат солинади ва шунча миқдорда чиқарилади. Биогаз газгольдерда тўпланган ва унинг таркиби таҳлил қилинган (6-расм, 10). Олинган биогаз қуйидаги таркибга: 60% CH<sub>4</sub>, 38% CO<sub>2</sub> ва бошқа газлар 2% гача бўлиб, CH<sub>4</sub> нинг миқдори субстрат таркиби ва технологияга қараб 55-65% оралиғида ўзгариб туриши аниқланган. Биореакторда керакли ҳароратни ушлаб туриш иситиш қурилмаси орқали амалга оширилган (6-расм 11). Биореактордаги мезофил шароитда қайта ишланган органик субстратни патоген миклофлорадан, яъни *Salmonella* авлодига мансуб бактериялардан зарарсизлантириш учун *L. plantarum* K04.84 штамми билан бирга ко-ферментация қилиш учун махсус идишга юборилган. Натижада 13 м<sup>3</sup> биореакторга ҳар 2-3 кунда 1 м<sup>3</sup> ҳажмда янги субстрат солинса шунча миқдордаги чиқариб олинган ва унга 15 л ҳисобида *L. plantarum* K04.84 штаммининг 10<sup>9</sup> КХБ/мл културал суюқлиги қўшилиб 37°Сда 3 кун давомида бирга ко-ферментация қилиниб, субстрат *Salmonella* авлоди бактерияларидан зарарсизлантирилган (6-расм 13). Зарарсизлантирилган ОЎ сепараторга юборилиб суюқ ва қуюқ фракцияларга ажратилган (6-расм 12, 14 ва 15). Ушбу биотехнологик схемада термофил шароитда биогазли ферментация олиб борилганда, патоген миклофлора, гельминтлар тухумлари ва бегона ўт уруғлари 55°С ҳарорат таъсирида тўлиқ нобуд бўлади ва *L. plantarum* K04.84 штамми билан шламни қайта ишлашга эҳтиёж қолмайди. Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҚГ ва ТГни биогазли ферментация қилишнинг экологик тоза ва самарадор биотехнологияси ишлаб чиқилган.

Ўтказилган амалий тажрибалардан биогаз олишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган (2-жадвал). Бунда биогаз қурилмасига субстратни юклаш ва биореактор ичидаги субстратни аралаштириш учун сарфланган электр энергияси харажатлари ва бир ишчи кучининг ойлик маошини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Иқтисодий самардорликни ҳисоблашда ҳозирги вақтда электр энергияси 1квт/с-295сўм, кун давомида биореактордаги субстратни аралаштириш ва юклаш учун 24 квт/с энергия сарфланган. Биореактордаги биогаз м<sup>3</sup> да ҳисобланиб, унинг нарҳини эса 1 м<sup>3</sup> табиий газга нисбатан, яъни 380 сўмдан ҳисоблаб чиқилган.

2-жадвал.

13м<sup>3</sup> ли биореакторда биогаз олишнинг иқтисодий самарадорлиги

Субстратни аралаштириш ва юклаш, квт/соат, сўм		Ишчи кучи, сўм	Биогаз, м <sup>3</sup>	Биогаз, сўм	Жами харажатлар сўм	Соф даромад, сўм	
кун	3,0 квт/с	295*7080,00	36,666	380*150	57000,00	43746,00	13265,00
ой	720 квт/с	212400,00	1,100,000	4500	1710000,00	1312400,00	397960,00
йил	8640кв т/с	2544800,00	13,200000	1620000	20520000,00	1574448,00	4755200,00

Шундай қилиб 13 м<sup>3</sup> биогаз қурилмасида ҳосил бўлган биогаздан ойига 397960,0 сўм ва йилига 4755200,0 сўм миқдорида соф даромад олиш мумкин.

Бундан ташқари йилига 12 т қуритилган ва 110 тонна суяқ ҳолдаги ОЎ ишлаб чиқарилиши мумкин. Биогаз қурилмаларини ишга туширишда ажратиб олинган БМММА ва БТММАлардан фойдаланиш, биогаз ҳосил бўлишини тезлаштиришга, самарадорлигини ва биогаз таркибидаги метан миқдорини оширишга олиб келиши аниқланган.

## ХУЛОСА

«Фаол метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар ассоциацияси асосида биогаз олиш» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қорамол гўнгини босқичма-босқич биогазли ферментацияси асосида балансланган мезофил ва термофил метаноген микроорганизмлар ассоциациялари ажратиб олинган. Қорамол гўнгига 20% БМММА инокуляти қўшиб биогазли ферментация қилинганда қисқа лаг-фаза билан бошланиши ва биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  миқдори 63,8% ни ташкил қилди.
2. Термофил шароитда (55°C) товук гўнгига 10 ва 20% БТММА инокулятини қўшиб ферментация қилиш биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$  миқдорини 64,7-69,7% ҳосил бўлишини таъминлаган. Ферментация динамикасида  $\text{CO}_2$  билан  $\text{CH}_4$  миқдорлари ўртасида ўзаро боғлиқлигини намоён қилади.
3. Мезофил шароитда 20 кундан кўп муддатда биогазли ферментация қилиш ичак таёқчаси ва салмонелла авлоди бактериялари титрини камайишига олиб келган бўлса, термофил шароитда (55°C) биогазли ферментация қилиш *Enterobacteriaceae* оиласи, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus*, *Salmonella* ва *Shigella* авлодлари бактерияларини ферментациянинг 2-кунда тўлиқ нобуд бўлишидан далолат беради.
4. БТММА таркибидаги метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг таксономик ҳолати молекуляр-генетик таҳлил асосида *Methanosarcina*, *Methanoculleus*, *Methanocorpusculum* ва *Methanospirillum* авлодига мансуб 9 та турдан иборатлиги қайд этилади.
5. *Lactobacillus plantarum* K04.84 штамми суспензиясини товук гўнги шлами билан 1:66 ҳажм нисбатда ко-ферментацияси *Salmonella sp.* бактериясига қарши юқори антагонистик фаоллигини намоён қилади.
6. БМММА таркибидаги муҳим физиологик микроорганизмлар гуруҳларининг фаол метан ҳосил қилиш хусусиятларини узоқ муддатли сақлаш учун 0,5 г фосфорит уни ҳамда желатина+сахароза қўшилган ҳимоя муҳитларидан фойдаланиб лиофил қуритиш параметрлари аниқланиши билан изоҳланади.
7. ТГ асосида олинган ОЎ 0,5 т/га миқдорда ва 30% NPK билан биргаликда буғдой ўсимлигига қўллаш буғдойнинг пояси ва илдиз тизимининг ривожланишига давомли ижобий таъсир қилиши аниқланган. Буғдой ўсимлигини ўсиш ва ривожланишига давомли таъсирини кузатилиши, буғдой ўсимлиги ризосферасидаги спора ҳосил қилувчи аммонификацияловчи бактерияларнинг асосий қисми органико-минерал ўғит таъсирида вегетатив хужайра шаклида бўлиб, уларнинг 2-3% спора ҳолида

эканлиги аниқланган. Оўсиз назорат вариантыда эса бугдой ризосферасидаги спора ҳосил қилувчи аммонификацияловчи бактерияларнинг хужайраси 37-40% спора ҳолида бўлиши қайд этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
ИНСТИТУТ МИКРОБИОЛОГИИ**

---

**ТАШБАЕВ ШЕРЗОДБЕК АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ПОЛУЧЕНИЕ БИОГАЗА НА ОСНОВЕ АКТИВНОЙ  
МЕТАНОБРАЗУЮЩЕЙ АССОЦИАЦИИ МИКРООРГАНИЗМОВ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/B42**

Диссертация выполнена в Институте Микробиологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Алимова Барно Хасановна</b> кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Хўжамшукуров Нортожи Абдухаликович</b> доктор биологических наук, профессор
	<b>Расулов Бахтиёр Абдуғофурович</b> доктор биологических наук
<b>Ведущая организация</b>	<b>Самаркандский</b> государственный университет

Защита диссертации состоится «25» февраля 2020 года в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.12.2019.B.38.01 при Институте микробиологии (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 7б, конференц-зал Института микробиологии, 5 этаж Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 7б, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Арипов Тахир Фатихович**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Рохила Назаровна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**Гулямова Ташхан Гафуровна**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

**ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одной из главных проблем ускоренного развития мировой экономики, особенно сельского хозяйства, является удовлетворение спроса на энергию. Положительное решение этой проблемы основано на разработке технологий, связанных с возобновляемыми источниками энергии. Широкомасштабное производство альтернативных источников энергии и их использование стабилизирует скорость накопления карбонат ангидрида в атмосфере и предотвращает его увеличение. В связи с этим, все более актуальным становится широкомасштабное применение в мире возобновляемых источников энергии имеющие большое научное и практическое значение.

В мировой практике ведутся научные исследования по получению альтернативных источников энергии с эффективным использованием природного потенциала. В частности, для получения биогаза в качестве органических субстратов используются отходы животноводческих хозяйств и птицеферм, остатки растений, отходы пищевой и лёгкой промышленности, бытовые отходы. Изучаются различные группы анаэробных и факультативно-анаэробных микроорганизмов с получением устойчивой сбалансированной метаногенной ассоциации осуществляющих процесс разложения органических веществ с образованием биогаза. Поэтому, создание безотходной производственной технологии в сельском хозяйстве, разработка новой биотехнологии для повышения эффективности процесса переработки отходов животноводческих и птицеферм имеет важное научное и практическое значение.

